

**ҚУЙИ ЗАРАШОН ВОҲАСИДА КИЧИК БИЗНЕС ВА ХУСУСИЙ  
ТАДБИРКОРЛИКГА ЭЪТИБОРНИНГ КУЧАЙИШИ ТАРИХИДАН**

**Холикулова Шахноза Боймуҳамматовна**

(PhD), Навоий давлат педагогика институти Ўзбекистон Тел: (97) 321 83 19

khilikulova\_sh@mail.ru

**Аннотация**

Мақолада Қуйи Зарафшон воҳаси ҳудудида мустақиллигимизнинг дастлабки йилларида халқ хўжалиги тармоқларининг бозор иқтисодиёти шароитига мослашиши ёритилган. Давлат ихтиёрида бўлган мулкларни хусусийлаштириш ва саноат ишлаб чиқариш корхоналарининг модернизациялашув жараёни манбалар асосида таҳлил қилинган.

**Калит сўзлар:** халқ хўжалиги, хусусийлаштириш, хуқуқий асос, нодавлат мулк шакллари, иш ўрни, маҳсулот ишлаб чиқариш, ижтимоий муҳофаза.

Ўзбекистон давлат мустақиллигига эришганидан кейин унинг халқ хўжалиги тармоқларида иқтисодий янгиланиш ва ўзига хос ривожланиш даври бошланди. Иқтисодиётни ислоҳ қилиш жараёнида давлат мулки чегараланиб, нодавлат мулк шакллари юзага келди ва унинг ривожланишига устувор даражада эътибор қаратилди. Мулкчилик шаклларини ўзгартириш соҳасида олиб борилаётган ишларни тартибга олиш ва жонлантириш мақсадида 1991 йил 18 ноябрда Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг VIII сессиясида мулкни “Давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш тўғрисида”ги Конун қабул қилинди[1]. Хусусийлаштириш жараёнини ташкил этиш ва унга раҳбарлик қилиш учун 1992 йил февралида Давлат мулкини бошқариш ва хусусийлаштириш Давлат қўмитаси таъсис қилинди[2].

Тадқиқотларнинг кўрсатишича, 1991-1993 йилларни ўз ичига олган илк босқичда Ўзбекистон бир қатор хорижий мамлакатлар билан дипломатик алоқалар ўрнатган бўлсада, уларнинг сармояларини мамлакатнинг етакчи тармоқларига жалб қилиш осон кечмади. Масалан, Жаҳон банкининг 1992-1994 йиллар давомида берган маълумотларига кўра, Ўзбекистонга киритилган сармоялар ҳажми 30-35 млн. АҚШ долларини ташкил этган, холос[3]

Ўзбекистон ўз тараққиёт йўлини белгилаб олгандан кейинги мураккаб вазиятда Қуйи Зарафшон воҳаси тадбиркорлари ҳам ўз имкониятларидан етарлича фойдаланиб, иқтисодий барқарорликка эришиш чора-тадбирларини қидирдилар. Бу соҳада тажриба ва малаканинг ошиб бориши тадбиркорлик ишларини жонлантириш, қўшма корхоналар очиш имконини берди. Шундай корхоналардан бири 1991 йили ишга туширилган Фиждувон пойабзал корхонаси бўлиб, у дастлаб йилига 90 минг жуфт пойафзал ишлаб чиқарган бўлса, 1992 йилга келиб 225 минг жуфтга етказди. 1993

йилда 471 минг жуфт оёқ пойафзал ишлаб чиқаришни режалаштириди, 350 дан ортиқ кишини иш билан таъминлади. Ишчи-хизматчиларни ижтимоий муҳофаза қилиш, уларга қулайликлар яратиб бериш мақсадида корхонага тегишли 180 ўринли болалар боғчаси, 120 ўринли туар жой биноси қурилиши йўлга қўйилди[4]. Корхона ишлаб чиқараётган маҳсулотининг сифат даражасини ошириш мақсадида 1994 йили 30 кишини Ҳамдўстлик мамлакатларидағи корхоналарга тажриба алмашиш учун юборишни режалаштириди.

1995 йилда Қуйи Зарафшон воҳасида жойлашган корхоналарни давлат тасарруфидан чиқариш ва бозор муносабатларига ўтиш шароитида барқарор ишлаши учун бир қатор тадбирлар амалга оширилди. Бу даврда вилоятда саноат соҳасида сезиларли таркибий ўзгаришлар рўй берди. Мулкни давлат тасарруфидан чиқариш, хусусийлаштириш, корхоналарни ҳиссадорлик жамиятларига айлантириш, иқтисодиётда монополияга барҳам бериш жарёнлари давом этмоқда. Давлат тасарруфидан чиқарилган корхоналарнинг сони 71 тани ташкил қилиб, жами ишлаб чиқарилган маҳсулотларнинг 95,6 фоизини ташкил қилди. Ҳозирга келиб, 57 та саноат корхонаси ҳиссадорлик жамиятларига айлантирилиб, бу жами саноат корхоналарининг 57 фоизини ташкил этди. Кўпгина корхоналар мулкчилик шаклини ўзgartiriшгандан кейин ишлаб чиқаришда ижобий натижаларга эришдилар[5].

Республика ҳукумати томонидан хусусий тадбиркорлик ва ишбилармонликни қўллаб - кувватлашга доир қабул қилинган қонунлар ва қарорлар, ўтказилган ислоҳотлар ўз самарасини берди. Жумладан, 2003 йилнинг 1 сентябрь ҳолатига кўра, Навоий вилоятида жами 10525 та хўжалик юритувчи субъектлар рўйхатга олинган бўлиб, уларнинг 93,9 фоизини ёки 9887 тасини кичик ва ўрта бизнес субъектлари ташкил қиласи. Улар 2002 йилнинг шу даврига нисбатан 155 тага кўпайган. Вилоятда мавжуд кичик ва ўрта бизнес субъектларининг 56,8 %дан ортиғи қишлоқ хўжалиги соҳасига, 12,7 савдо, 7,5 саноат, 6,0 % қурилиш ва 17 % боқа соҳаларга тўғри келади[6]. Бу ўз навбатида вилоятда аҳолининг 34,8 % дан қўпроғи, яъни 147,2 минг киши кичик ва ўрта бизнес субъектларда иш билан таъминланганлигини билдиради.

Шундай қилиб, Ўзбекистонда тажрибалар мавжуд йирик ишлаб чиқариш корхоналарининг давр талаби ва эҳтиёжга мослашиш учун ҳаракатчанлик имконияти суст бўлишини, ишлаб чиқаришнинг ривожланиши қийин кечишини кўрсатди. Хорижий капитални жалб этиш орқали кичик бизнес ва хусусий корхоналар ташкил этилди. Уларда қўплаб ишчи ўринлари яратилиб, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш имконияти кенгайди.

**Адабиётлар**

1. Ўзбекистоннинг янги тарихи. Учинчи китоб. Мустақил Ўзбекистон тарихи. – Тошкент: Шарқ, 2000. - б. 330
2. Чжен В.А. Хусусийлаштириш асослари. Тошкент: “Иқтисод ва ҳуқуқ дунёси”, 1996. -5 б.
3. Раширова Ф. Ш. Ўзбекистонда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг шаклланиши ва ривожланишида хорижий сармоялар (тарихий ёндашув). Тарих фан. бўйича фалсафа докт. (PhD) дисс. автореф. -Тошкент, 2019. –б. 15.
4. Бухоро ҳақиқати, 1993 йил 29 июль.
5. Буюк ва муқаддассан, мустақил ватан. –Тошкент: Ўқитувчи, 2011. –б.129.
6. Ашурова Н.Б., Рустамова Н.С. Навоий вилоятида кичик ва ўрта бизнесни ривожлантиришнинг айrim молиявий жиҳатлари //Ўзбекистон кончилик хабарномаси. № 16, 2004 март. –б.65.